

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аманиязова Света Байниязовна,
Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчилари

Альниязов Даулет Айтмуратович
Қорақалпоқ давлат университети ўқитувчилари

Аннотация

Ушбу мақолада ахборот эркинлиги, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари миллий ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида таҳлил қилинган. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш эркинлиги кафолатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Ахборот эркинлиги, очиқлик, шаффоқлик, рақамлаштириш.

Аннотация

В данной статье анализируются правовые аспекты обеспечения свободы информации и гласности деятельности государственных органов на основе законодательства отечественных и зарубежных стран. Разработаны предложения и рекомендации по обеспечению гласности деятельности государственных органов, совершенствованию гарантий свободы информации граждан.

Ключевые слова: Свобода информации, открытость, прозрачность, цифровизация.

Annotation

This article analyzes the legal aspects of ensuring the freedom of information and the openness of the activities of state bodies based on the legislation of national and foreign countries. Proposals and recommendations have been developed to ensure the openness of the activities of state bodies, to improve the guarantees of citizens' freedom of information.

Keywords: Freedom of information, openness, transparency, digitization.

Ҳуқуқий, демократик давлатда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги биринчи ўринда бўлиб, аҳолининг давлат органлари фаолияти ҳақида ахборотдан эркин

<https://conferencea.org>

фойдалана олиш имкониятини мавжудлиги, шунингдек, улар устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Қонунчилик техникасида ишлаб чиқиладиган қонун ҳақиқатдан ишлаши ва амалда қўлланилиши учун хорижий тажрибани ички шароитга мослаштирган ҳолда тадбир этиш орқали хорижий қонунчиликнинг илғор ҳуқуқий ечимлари давлатимиз қонун ижодкорлиги амалиётида, уларни тушуниш ва қайта ишлашда қўлланиши лозим деб ўйлаймиз ва шундан келиб чиққан ҳолда бу соҳа бўйича хорижий давлатлар тажрибага назар ташласак, давлат органлари фаолияти маълумотларнинг очиклиги тамойили биринчи марта 1776 йилда Швецияда “Нашрлар эркинлиги тўғрисида”ги Қонунида акс эттирилган бўлиб, бу қонун 1949 йилда “Матбуот эркинлиги тўғрисида”ги Қонунига ўзгарттирилиб, ҳозирда у Швеция Конституциясининг ажралмас бир қисми сифатида мамлакатларнинг барча фуқароларига бепул ахборот олиш эркинлигини кафолатлайди². Японияда 2001 йили 1-апрельда “Маъмурий органлар тасарруфидаги маълумотлардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни³ кучга кириб, унга асосан, ҳукумат бошқаруви маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси Япония қонун чиқарувчиси томонидан амалда чекланмаган: ҳар қандай шахс давлат органлари раҳбарларидан ўзларига тегишли ҳужжатларни бепул ошкора этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бунда ошкоралик тамойили қонун чиқаруви ва суд ҳокимияти, давлат бошқаруви тузилмаларининг айрим қисмларига тааллуқли эмас.

Эстониянинг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган «Оммавий ахборот тўғрисида»ги қонуни⁴ демократик ва ижтимоий ҳуқуқий давлат ва очик жамият тамойиллари асосида жамоатчиликга ва барча шахсларга умумий фойдаланиш учун мўлжалланган ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, аҳолига давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини жамлаган бўлиб, қонунда фуқароларга ошкора қилинмайдиган ахборотлар рўйхати келтирилган.

2001 йилда Финляндияда эса дунёда биринчилардан бўлиб “Давлат бошқарувида электрон хизматлар тўғрисида”ги Қонуни⁵ қабул қилиниб, ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, масъулиятлилигини оширишдан иборат бўлиб, асосан Қонунда электрон давлат хизматларини кўрсатиш

¹ Mukhitdinova FiryuzaAbdurashidovna; Amaniyazova SvetaBayniyazovna. "STATE STRATEGIES FOR IMPLEMENTING E-GOVERNMENT AT THE PRESENT STAGE". *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 27, 2, 2021, 5950-5957. doi: 10.47750/cibg.2021.27.02.595

² https://lawbook.online/konstitutsionnoe-pravo-rossii_1264/zarubejnyiy-opyit-reglamentatsii-32284.htm

³ <https://www.japan.go.jp>.

⁴ https://www.legislationline.org/download/id/8381/file/Estonia_Public%20Information%20Act

⁵ Дубровин Юрий Иннокентьевич Административно-государственные реформы в Финляндии // Власть. 2009. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/administrativno-gosudarstvennye-reformy-v-finlyandii> (дата обращения: 20.05.2022).

<https://conferencea.org>

боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги нормалар ўрин олганлигини кўриш мумкин.

Бош вазир девони ўз веб-сайтида вазирликлар томонидан тайёрланаётган қонун лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни, парламент - Эдускунта⁶ - қонун лойиҳалари ва у томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар билан веб-сайти орқали танишиш имконини берса, Финландия Адлия вазирлиги веб-сайти орқали давлатнинг барча қонунлари, қоидалари, ҳуқуқий қарорлари ва давлат шартномаларини назорат қилишлари мумкин. Эътиборлиси шундаки, давлат органлари сайтларида жойлаштирилган барча материаллар, қонунлар ва бошқа расмий ҳужжатлар фуқароларга бепул тақдим этилади. Қозоғистон Республикасида 2015 йил ноябр ойида "Ахборотга бўлган ҳуқуқ ҳақида" янги Қонун қабул қилиниб, унда давлат органларининг расмий интернет ресурсларига жойлаштириладиган ахборотлар рўйхати ва жойлаштириш тартибининг ҳуқуқий асослари акс эттирилган. Масалан, ушбу Қонуннинг 16-моддасида интернет-ресурсларига ахборот жойлаштириш тартиби батафсил баён этилган бўлиб, давлат органлари ўз интернет-ресурсларида 15 йўналиш⁷даги ахборотлар жойлаштирилиши лозимлиги айтилган.

Мамлакатимизда эса Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги Қонуни⁸нинг 13-моддасида давлат органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган ахборотлар рўйхати ва ахборотга қўйиладиган талаблар акс эттирилган бўлиб, худди шу ҳуқуқий нормалар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон [қарори](#) билан Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган асосий талаблар 3-иловада⁹ тасдиқланиб, ушбу ҳужжатнинг 1-боб, 1-бандида ушбу органларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши мажбурий бўлган ахборотлар рўйхати келтирилган.

⁶ <https://www.eduskunta.fi/EN/Pages/default.aspx/>

⁷ тегишли давлат органининг умумий фаолияти; норма ижодкорлиги; бюджет маблағлари; амалдаги фаолияти; кадрлар билан таъминланганлиги; давлат хизматлари ҳақида; коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар; халқаро ҳамкорлик соҳасидаги маълумотлар; давлат харидлари ҳақида; рухсат берувчи ҳаракатларни амалга ошириш тартиби (лицензиялаш, аккредитация, рўйхатга олиш ва бошқалар); давлат органи ва унинг ҳудудий органлари томонидан ўтказилган текшириш натижалари, шунингдек, Қозоғистон Республикаси қонунларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда давлат органи ва унинг ҳудудий органларида ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотлар; хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар; социологик, таҳлилий ва бошқа тадқиқотлар, шунингдек, аҳоли сўровлари натижалари; жамоатчилик билан ишлаш ҳақида маълумотлар; олинган сўровларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича ахборотдан фойдаланувчилар томонидан кўп сўралган маълумотлар шулар жумласидандир.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги 05.05.2014 йилдаги ЎРҚ-369-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда;

⁹ Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон [қарори](#) билан Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган АСОСИЙ ТАЛАБЛАР 3-ИЛОВА//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2021 й., 09/21/373/0559-сон).

<https://conferencea.org>

Шу ўринда, давлатимизда ижро этувчи ҳокимият органларининг очиқлиги механизмини ушбу органларнинг расмий веб-сайтларини таҳлил қила ўтириб, таҳлил натижасида қўйидагича камчиликларни кўриш мумкин:

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари расмий веб-сайтларида жойлаштирилган маълумотларнинг деярли ярми ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар очиқлигини тартибга солувчи амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига; сайтнинг умумий мазмунига қўйиладиган техник талабларга; жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ахборот ресурсларидан олинadиган маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлاندирishга жавоб бермайди;
2. Ижро этувчи ҳокимият органларининг расмий веб-сайтларининг маълумотлар таркиби тузилиши етарлича унификацияланмаган;
3. Маълумотлар жойлаштирилишида белгиланган муддатларга риоя қилинмаган ва ижтимоий аҳамиятга эга маълумотлар тўлиқ жойлаштирилмаган, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эскирган таҳрирдагиси тақдим этилган.

Қайд этиш керакки, юқорида айтиб ўтилган Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари билан бирга ушбу қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши 22-моддасида ҳуқуқий асосини топган. Кўрсатилган қонуности ҳужжатида эса давлат органлари расмий веб-сайтларида жойлаштириладиган мажбурий ахборот рўйхати, расмий веб-сайтларни юритиш билан боғлиқ бир қатор мажбурий функциялар акс эттирилган бўлиши қарамай, мажбурий бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган жавобгарлик чоралари баён этилмаган, фақат расмий веб-сайтга жойлаштириладиган ахборотларнинг ишончилигига тегишли орган раҳбари жавобгар эканлиги 3-боб, 16-бандида белгилаб берилган ҳолос.

Демак, юқорида кўриб турганимиздек, ушбу ҳужжатларда ижро этувчи ҳокимият органлари вазифаларни бажариш муддатларига, қўйилган талабларга риоя қилмаганликлари учун жавобгарлик чоралари тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган.

Ва шу ўринда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири сифатида “ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш амалга оширилмаганда самарали жавобгарлик чораларининг етарли эмаслиги”ни таъкидлаган И.А.Журавлева¹⁰нинг фикрига қўшилган ҳолда қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

¹⁰ Журавлева И.А. Совершенствование механизма открытости деятельности органов исполнительной власти. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2013. С. 17.

<https://conferencea.org>

Кодекси”нинг “Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” дея номланган XVI бобига, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бажарилмаслиги” натижасида келиб чиқадиган маъмурий жавобгарлик чораларини назарда тутувчи прим-моддани киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Демак, кўриб турганимиздек, рақамли давлатнинг шаклланиши ва қонунларнинг рақамлаштириш шароитида ўзгариши - бу сезиларли силжишлар бўлган сўнгги ўн йилликларда кузатган янги вақт ва янги макон қурилишига жавобдир. Албатта, бу ходисалар, бир томондан, янги имкониятларни очиб беради, аммо бошқа томондан, улар асрлар давомида жиддий ўзгаришларга дуч келмаган соҳаларни ўзгарттиришга мажбур қилади ва бу навбатида жамиятнинг барча таҳдид ва хатарларни кўра олмаслиги, шунингдек жамиятнинг қабул қилмаслиги¹² каби инқирозларга дуч келиши мумкин.

Ва шу ўринда айтиш керакки, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини ва ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш»¹³ орқали ўлчанади. Бу эса ахборотнинг очиклиги, ишончилиги, ахборот тақдим этишда учинчи шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳокимиятнинг жавобгарлиги каби тамойилларга асосланади.

Ахборотнинг очиклиги – бу органлар фаолияти тўғрисида етарли ва зарур миқдордаги ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни тақдим этишнинг ташкилий-ҳуқуқий режими бўлиб, фуқароларнинг ахборотдан эркин фойдаланиш конституциявий ҳуқуқини таъминлаш жамият ва ҳукуматнинг мувофиқлаштирувчи ўзаро ҳамкорлиги орқали амалга оширилиши мумкин.

COVID-19 пандемияси аҳолининг барча қатламларининг интернетга қарамлигини ошириб, Интернетнинг фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги иштирокини таъминловчи макон, шунингдек, фуқароларга электрон давлат хизматларини кўрсатиш воситаси сифатидаги ролини Бирлашган миллатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 2021 йил 7-июлда қабул қилган Резолюциясида қатъи белгилай ўтириб,

¹¹ Кириленко В.П., Фотопулу А. Проблемы цифрового государства в современном обществе // Евразийская интеграция: экономика, право, политика. 2019. № 2. С. 50.

¹² Аманиязова Света. (2022). РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ МИСОЛИДА). *Innovations in Technology and Science Education*, 1(1), 253–265. Retrieved from <http://humoscience.com/index.php/itse/article/view/36>

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги 05.05.2014 йилдаги ЎРҚ-369-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

<https://conferencea.org>

Интернетда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу ҳуқуқларни таъминлашни назарда тутадиган нормани тасдиқлайди¹⁴.

Шунингдек, Кенгаш ушбу Резолюцияда қўйидагиларга эътибор қаратишга чақиради:

- одамларнинг онлайн ва офлайн маконда, хусусан, фикр ва сўз эркинлиги бўйича барча ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш зарурлигини;

- барча давлатларни халқаро мажбуриятлар доирасида интернетдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича масъулиятли бўлишга ва самарали чоралар кўриш зарурлигини;

- интернетдан фойдаланишга оид ҳуқуқларни камситиш, кибержиноятлар, зўравонликга қарши чоралар белгилаганда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятлардан четга чиқмаган ҳолда амалга ошириши назарда тутилади¹⁵.

Ва шу ўринда қайд этиш керакки, интернетга кириш ҳуқуқи инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида биринчи марта Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2011 йилнинг 3-июнида қабул қилинган Резолюцияси¹⁶ мустаҳкамланиб, Интернетга киришни чеклаш эса – асосий ҳуқуқларни поймол қилиш сифатида эътироф этилиб, аҳолини интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ҳар қандай давлат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиши кераклиги таъкидланади¹⁷.

Демак, юқорида келтирилган таҳлиллар натижасида қўйидаги таклиф ва тавсияларнинг қонунчиликда ҳуқуқий мустаҳкамланиши заруратини таъкидлаймиз, демак:

1. Интернетга бўлган ҳуқуқини инсонларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари туркумига киритиб, бу ҳуқуқ таърифи баён этиладиган моддани: «Интернетга кириш ҳуқуқи инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири бўлиб, у интернетга кириш; онлайн маълумотни нашр этиш, тарқатиш ва олиш эркинлиги; конституциявий тузумга қарши қаратилган ва давлат сирлари билан боғлиқ маълумотлар бундан мустасно; интернетнинг нейтраллиги, алоқа тармоқларининг очиқлиги; рақамли бузғунчи ғояларга қарши кураш каби тамойилларга суянган ҳолда таъминланади» дея талқин этишни;

2. Ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлар тоифасидаги инсонларнинг билим олиш ҳуқуқи акс эттирилган моддасига – “инсонларнинг рақамли таълим олиш ҳуқуқига эга” ва “очиқ рақамли тармоқлардан бепул, тенг ва универсал фойдаланишни ва фуқароларнинг улардан фойдаланиш бўйича билимлари давлат томонидан кафолатланади” дея қўшимчалар киритиш;

3. Асосий Қонуннинг 29-моддасида ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси 27-моддасида «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига

¹⁴ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/LTD/G21/173/56/PDF/G2117356.pdf?OpenElement>.

¹⁵ <https://documents-dds-ny.un.org/doc/UNDOC/LTD/G21/173/56/PDF/G2117356.pdf?OpenElement>.

¹⁶ https://www2.ohchr.org/english/bodies/hrcouncil/docs/17session/A.HRC.17.27_en.pdf/

¹⁷ <https://libre.life/doc/declaration/ihr/ru/>

<https://conferencea.org>

эга»лиги белгиланиб, фикр ва сўз эркинлиги сифатида талқин этилган. Биз ушбу модданинг мазмунини, яъни ахборот олишга бўлган ҳуқуқлар доирасини кенгрок қамраб олган ҳолда талқин этишни, яъни:

- фуқароларнинг ўзларига тегишли бўлган шахсий маълумотларига бўлган ҳуқуқи;
- давлат органлари тасарруфидаги ахборотлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқи;
- давлат органларида сақланаётган ўзига тегишли бўлган шахсий маълумотлардан, жамоатчилик муҳокамаси учун зарур бўлган маълумотлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда бир неча маротаба фойдаланиш ҳуқуқига эга” деген қўшимча нормалар билан тўлиқтиришни таклиф этамиз.

Қайд этиш керакки, рақамли технологияларнинг жорий этилиши демократик жараёнларга ўз таъсирини кўрсатади. Жамиятни ахборотлаштиришнинг янги босқичи сифатида рақамлаштиришнинг ижобий оқибатлари сифатида ахборот олиш, давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайттирса, рақамлаштиришнинг салбий оқибатлари юзага келади, яъни, кибержиноятлар сонининг ошиши ва девиант хатти-ҳаракатларнинг бошқа шакллари: давлат ҳокимият органларида, юридик шахслар ихтиёрида бўлган жуда кўп миқдордаги шахсий маълумотларнинг мавжудлиги, ушбу маълумотларни суиистеъмол қилиш хавфини кучайттиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Mukhitdinova FiryuzaAbdurashidovna; Amaniyazova SvetaBayniyazovna. "STATE STRATEGIES FOR IMPLEMENTING E-GOVERNMENT AT THE PRESENT STAGE". *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 27, 2, 2021, 5950-5957. doi: 10.47750/cibg.2021.27.02.595
2. Дубровин Юрий Иннокентьевич Административно-государственные реформы в Финляндии // *Власть*. 2009. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/administrativno-gosudarstvennye-reformy-v-finlyandii> (дата обращения: 20.05.2022).
3. Журавлева И.А. Совершенствование механизма открытости деятельности органов исполнительной власти. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2013. С. 17.
4. Кириленко В.П., Фотопулу А. Проблемы цифрового государства в современном обществе // *Евразийская интеграция: экономика, право, политика*. 2019. № 2. С. 50.
5. Аманиязова Света. (2022). РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДА ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ

<https://conferencea.org>

МИСОЛИДА). Innovations in Technology and Science Education, 1(1), 253–265. Retrieved from <http://humoscience.com/index.php/itse/article/view/36>

6. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги 05.05.2014 йилдаги ЎРҚ-369-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 209-модда;

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июндаги 373-сон қарори билан Давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтига қўйиладиган АСОСИЙ ТАЛАБЛАР 3-илова//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2021 й., 09/21/373/0559-сон).

8. https://lawbook.online/konstitutsionnoe-pravo-rossii_1264/zarubejnyiy-opyitreglamentatsii-32284.htm

9. <https://www.japan.go.jp>.

10. https://www.legislationline.org/download/id/8381/file/Estonia_Public%20Information%0Act

11. <https://www.eduskunta.fi/EN/Pages/default.aspx/>.